

Ўзбекистон халк шоири Миртемир Турсун ўгли 1910 йили Козогистон республикаси, Туркистон шахрининг Икон кишлогига тугилди. У ибтидоий эски мактабни битиргач, 1921-1923 йилларда Тошкентдаги «Алмай» номли болалар намуна иш мактабида тарбияланади.

Миртемир 1925 йили ўзбек Эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1929 йилда тамомлаб, Ўзбекистон Давлат педагогика академиясида ўқийди. Айтилганда у Ўзбекистон Марказий Ижроия кўмитасининг раиси Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби бўлиб ишлайди.

Миртемир Самаркандда Хамид Олимжон, Уйгун ва бошқа шоирлар билан яқиндан танишади. Шоир А. Безименский, М. Светлов каби рус шоирларининг шеърларини она тилига таржима қилади. Миртемир оз муддат олий мактабларда ҳам дарс беради, мухарририятларда ходим, театрларда адабий эмакдош, Ёзувчилар уюшмасида маслахатчи, нашриётларда мухаррир бўлиб ишлади.

Унинг биринчи шеъри 1926 йилда «Танбурим овози» номи билан «Ёш ленинчи» рўзномасида босилади. Шоирнинг «Шуълалар кўйнида» номли биринчи китоби эса 1928 йилда чоп этилган. Унда Ватан мадҳи, меҳнат гашти ва ёш замондошларнинг маънавий дунёси асосий мавзу сифатида тараннум этилади.

Шоир халк поезиясидан илхомланиб, «Дилкушо», «Сув кизи», «Ойсанамнинг тўйида», «Владимир Илич Ленин» каби дostonларни яратди. Бу асарлар 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги ўзбек лирикасининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Унинг Улуг Ватан уруши йилларида яратилган «Вабо», «Ўч», «Бу—менинг Ватаним», «Она сахар», «Денгиз бўйида», «Мард йигит ёринг бўлай», «Пилла», «Кўзларим йўлингда» каби шеърларида душманга нафрат ҳислари жанговар руҳда ифодаланган. Урушдан кейинги йиллар Миртемир ижодида замон билан ҳамнафаслик, даврнинг энг муҳим масалаларини замондошларимизнинг баркамол образларини яратиш кенг ўрин тутди.

Миртемирнинг таржимонлик санъати ҳам таҳсинга лойиқдир. У А.С.Пушкин шеърларини, Н.А.Некрасовнинг «Русияда ким яшайди», Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон», Бердак асарлари ва киргиз халк эпоси «Манас»ни ҳам таржима қилган.

Миртемирнинг «Коракалпок дафтари» туркуми ўзбек поезиясининг 60-йиллардаги ютуқларидандир. Шоирнинг «Сурат» поемаси шўро даври ўзбек поемачилигидан энг нодир намуналардан биридир. «Мен сени...», «Чагалай», «Киргизистон», «Махтумкули тўйида», «Онагинам», «Козогим», «Кайдадир булок» каби шеърлар халқлар дўстлигини қуйловчи энг яхши асарлардандир. 1979 йилда Миртемирга «Тогдай таянчжм» шеърий тўплами учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. У 1972 йилда вафот этган.